Куч — адолатда

2011 йил,
4 март,
жума
№ 9 (315)

Ўзбекистон Республикаси Олий судининг ҳуқуқий газетаси | http://www.supcourt.uz | 1998 йил 29 августдан чиқа бошлаган.

8 март — Халқаро хотин-қизлар куни

ЭҲТИРОМ ВА ЭЪЗОЗ СОҲИБАЛАРИ

Миллатнинг улуғлиги, жамиятнинг маданий даражаси, маънавий баркамоллиги кўп жиҳатдан аёлларга бўлган муносабатга ҳам боғлиқ экани тарих силсиласида ўз исботини топган.

Зеро, аёллар оила гултожи, миллат давомчиси, келажак авлод тарбиячисидир.



Мамлакатимизда Президентимиз Ислом Каримов раҳнамолигида истиқлолимизнинг дастлабки йилларидан хотин-қизларнинг жамиятдаги мавқеини юксалтириш, ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилишга улкан эътибор қаратиб келинмоқда. Жумладан, хотин-қизларнинг мамлакатимиз сиёсий-ижтимоий, иқтисодий ва маданий ҳаётида фаол иштирокини таъминлаш, маънавий ва интеллектуал савиясини юксалтириш давлат сиёсатининг муҳим йўналишларидан бири этиб белгиланди.

Аёл деганда кўз олдимизда, биринчи галда, шубҳасиз, мунис ва мўътабар Она гавдаланади. Онани эъзозлаш — миллатимиз, халқимиз учун олий қадрият даражасига кўтарилган. Биз Она тимсолида Ватанни кўрамиз, эзгуликни, энг покиза туйғуларни Онада туямиз, Она кўзи билан дунёни таниймиз.

Мамлакатимизда аёлларни эъзозлаш, хотин-қизларга ғамхўрик кўрсатиш замирида онага бўлган эҳтиром алоҳида ўрин эгаллайди. Юртбошимиз ташаббуси билан пойтахтимизнинг бош майдонида Бахтиёр она сиймосини мужассам этган муаззам ёдгорлик мажмуи ўрнатилгани, юртимизнинг мард ва жасур ўғлонлари шарафига қад ростлаган «Ватанга қасамёд» ҳайкалидаги мунис она қиёфаси халқимизнинг аёл зотига бўлган чуқур ҳурмат-эҳтироми, таъзим ва ташаккурининг ёрқин ифодасидир.

Юртимизнинг 20 йиллик мустақил тараққиёт йўлининг ҳар бир йили, ҳар бир босқичида хотин-қизларнинг фаол иштироки хусусида кўплаб мисоллар келтириш мумкин. Аввалambор, аёлларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини таъминлашга қаратилган зарур ҳуқуқий асослар яратилди. Бош қонунимизнинг 46-моддасида хотин-қизлар ва эркаклар тенг ҳуқуқли экани мустаҳкамлаб қўйилган. Ўтган давр мобайнида аёлларнинг ижтимоий ва сиёсий фаоллигини, жисмоний, маънавий ва интеллектуал салоҳиятини юксалтириш, саломатлигини мустаҳкамлаш, ижтимоий муҳофазасини кучайтириш, оила, оналик ва болаликни ҳимоялаш, хотин-қизларни иш билан таъминлаш, тадбиркор аёлларни қўллаб-қувватлаш борасида кенг қўламли ишлар амалга оширилди.

Давлатимиз раҳбарининг 2004 йил 25 майда қабул қилинган **«Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси фаолиятини қўллаб-қувватлаш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»**ги Фармони аёллар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, мамлакатимиз ҳаётининг барча жабҳаларида уларнинг фаол иштирокини таъминлаш, хотин-қизлар ҳамда ёшларнинг маънавий ва интеллектуал савиясини юксалтириш ишларида муҳим омил бўлмоқда.

(Давоми учинчи бетда)



Аёл бахти

ёки мамлакатимизда уни рўёбга чиқариш учун яратилган имкониятлар ҳақида

Асрлар оша шаклланган бой миллий қадриятларга эга халқимиз аёлни эъзозлаш, унга ҳурмат ва эҳтиром кўрсатиш борасида дунё халқларининг пешқадамларидан бири бўлиб келган. Инчунун, ўзининг азму шижоати ва ақлу закованти билан дунёни лол этган Тўмарис, Бибихоним, Увайсий, Нодирабегим каби буюк аёлларни тарбиялаб вояга етказган миллат сифатида ҳамиша фахр-ифтихор қилишга ҳақлимиз.

Бутун борлиғини фарзандлари камолига бахшида этган оналаримиз, турли соҳаларда самарали фаолият юритаётган опа-сингилларимиз тимсолида биз хонадонимиз чироғи, оиламиз таянчи ва юртимиз истиқболининг кафолатини кўрамиз.

Зотан, Президентимиз таъкидлаганидек, **оилани ҳам, жамиятимизни ҳам бирлаштириб, унга файзу баракот киритадиган, хонадонларимизни меҳр-муҳаббат, нафосат, эзгулик нури билан мунаввар қиладиган зотлар ҳам аслида мўътабар оналаримиз, мунис опа-сингилларимиздир. Дунёда муқаддас деган сўзга энг муносиб зот ҳам – Онадир.**

Мамлакатимизда мустақилликнинг ўтган даврида бевосита давлатимиз раҳбари ташаббуси билан хотин-қизларнинг жамиятдаги ўрни ва мавқеини мустаҳкамлаш, улар ҳар бир соҳада эркин фаолият юритиб, ўзларининг иқтидори ва салоҳиятини тўлиқ рўёбга чиқариши борасида кўламли ислоҳотлар амалга оширилди. Давлат ва жамият қурилишида аёлларнинг фаоллигини ошириш, уларнинг ҳуқуқий, ижтимоий, иқтисодий ва маънавий манфаатларини ҳимоя қилишни такомиллаштириш мақсадида мамлакатимизда турли йиллар **«Оила манфаатлари йили»**, **«Аёллар йили»**, **«Соғлом авлод йили»** ва **«Оналар ва болалар йили»** деб номланиб, шу йўналишларда Давлат дастурлари асосида салмоғи жиҳатдан улкан тадбирлар амалга оширилганлигини алоҳида таъкидлаш жоиз.

(Давоми учинчи бетда)

Юртимизда соғлом ва баркамол авлодни вояга етказиш масаласига давлат сиёсати даражасида эътибор қаратилаётир. Бу жараёнда саломатлик ва баркамолликнинг муҳим омили бўлган спортни ривожлантириш доимий эътиборда. Бунинг самараси ўлароқ, йигит-қизларимиз нафақат мамлакат миқёсидаги спорт мусобақаларида, балки кўплаб халқаро турнирлар, жаҳон чемпионатлари, Олимпиада ўйинларида муносиб иштирок этиб, юртимиз довруғини оламга таратмоқда.

Iftixor

Миллий ғурур ва мамлакат нуфузини ошириш омили

Президентимиз шу йилнинг 25 февраль куни бўлиб ўтган Ўзбекистон Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси Ҳомийлик кенгашининг навбатдаги йиғилишида мазкур тузилма ташкил этилганидан буён амалга оширилган кенг қамровли ишларни атрофлича таҳлил қилар экан, қисқа вақт мобайнида бу борада салмоқли ютуқлар қўлга киритилганини таъкидлади. Соҳада амалга оширилаётган изчил ислоҳотлар навқирон авлоднинг ҳар томонлама соғлом камол топишига хизмат қилаётир.

— Президентимиз раҳнамолигида болалар спортини ривожлантириш, бунинг учун энг чекка, олис қишлоқларда ҳам барча қулайликларга эга спорт иншоотларини барпо этиш масаласи давлат сиёсати даражасига кўтарилди, — дейди Сурхондарё вилояти соғлиқни сақлаш бошқармаси бош мутахассиси Алишер Жўраев. — Мамлакатимизда «Умид ниҳоллари», «Баркамол авлод», Универсиада спорт мусобақалари ташкил этилгани, бу борада изчил тизим шакллантирилгани ёш авлодни болаликдан спортга жалб этишга, уларни нафақат жисмонан, балки маънавий соғлом бўлиб вояга етишига хизмат қилаётир.

(Давоми иккинчи бетда)

Fuqarolik qonunchiligi

Ноўрин даъво

судда қонуний тартибда рад этилди

Халқимиз қонунга риоя этган қоқилмайди, дея бежиз айтмаган. Дарҳақиқат, белгиланган тартиб-қоидалар асосида фаолият олиб бориш, ўзига тегишли ҳақ-ҳуқуқлардан тўлиқ фойдаланиш айни пайтда бошқаларнинг манфаатига путур етказмасликни тақозо этади. Чунончи, ерга оид муносабатларда ҳам фақат қонунга бўйсуниш талаб қилинади.

Зотан, Фуқаролик кодексининг 212-моддасида қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда қурилиш мақсадлари учун ажратилмаган ер участкаларида, шунингдек, иморат қуриш учун зарур рухсатнома олмасдан ёки архитектура ва қурилиш қоидаларини жиддий бузган ҳолда қурилган иншоот ёки кўчмас мулк ўзбошимчалик билан қурилган иморат ҳисобланиши белгилаб қўйилган. Ўзбошимчалик билан иморат қурган шахс эса мулк ҳуқуқини ололмайди, шунингдек, бундай иморатни тасарруф этишга, сотишга, ҳадя этишга, ижарага беришга ҳақли бўлолмайди.

Даъвогар Марат Гатаулин даъво аризаси билан судга мурожаат қилиб, марҳум отаси Н.Гатаулин 1947 йилда сотиб олган Тошкент тумани, «Кўктерак» қишлоқ фуқаролар йиғини ҳудудидаги Геология ва геофизика институтига тегишли 0,13 гектар ер участкасида жойлашган 3 хонали ва бошқа ёрдамчи иморатлари бўлган ўзбошимчалик билан қурилган 5-сонли уйда оила аъзолари билан рўйхатдан ўтган ҳолда яшаб, унга эгалик қилиб, ер ва бошқа солиқларни тўлаб келаётгани, Тошкент (ҳозирда Зангиота) тумани ҳокимлиги ушбу уйни қонуний расмийлаштира олмаслигини инобатга олиб, уй-жойга ўзининг эгалик ҳуқуқини ва ер майдонидан доимий фойдаланиш ҳуқуқини белгилашни сўраган.

(Давоми иккинчи бетда)

Мустақиллик йилларида суд-ҳуқуқ тизимини эркинлаштириш ва демократлаштириш борасида муҳим қадамлар қўйилди. Натижада мамлакатимизда замонавий демократия талабларига жавоб бера оладиган суд тизими шаклланди.

Islohot va samara

Инсон ҳуқуқларининг устуворлиги тамойили — амалда

Эътироф этиш жоизки, истиқлол йилларида миллий қонунчилигимизда инсонпарварлик тамойилларининг кучайтирилгани фуқаролар ҳуқуқ ва манфаатлари муҳофазасини таъминлашда муҳим аҳамият касб этиб келмоқда. Шу боис ҳам мамлакатимизни демократик янгилашнинг бугунги босқичида қонун устуворлиги ва қонунийликни мустаҳкамлаш, шахс ҳуқуқи ва манфаатларини ишончли ҳимоя қилишга қаратилган суд-ҳуқуқ тизимини изчил демократлаштириш ва либераллаштириш масаласига алоҳида эътибор қаратилаётир.

(Давоми иккинчи бетда)

Маълумки, суд-ҳуқуқ идораларининг асосий вазифаси фуқароларнинг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш, жамиятимизда қонун устуворлигини таъминлашдан иборатдир. Зеро, мамлакатимизда инсон ҳуқуқ ва эркинликлари энг олий қадрият дея эътироф этилган.

Burch va majburiyat

Фуқаролар ҳаёти ва соғлиғи — дахлсиздир

қонунчиликда уларга етказилган зарарнинг тўлиқ қопланиши белгиланган

Айтиш керакки, амалдаги Фуқаролик кодексининг 57-бобида зарар етказишдан келиб чиқадиган мажбуриятлар хусусида сўз юритилган бўлиб, ғайриқонуний ҳаракат ёки ҳаракатсизлик туфайли етказилган зарар, шунингдек, бой берилган фойда айбдор шахс томонидан тўлиқ қопланиши ҳам моҳият-эътибори билан инсон ҳуқуқлари ҳимоясига хизмат қилади.

Шунингдек, қонунларимизда соғлиққа шикаст етказилганлиги туфайли кўрилган зарарнинг ўрнини қоплаш масаласига ҳам алоҳида эътибор қаратилган.

(Давоми учинчи бетда)

Iftixor

Миллий ғурур ва мамлакат нуфузини ошириш омили

(Давоми. Бошланиши биринчи бетда)

Маълумки, бу йил Термиз шаҳри ўрта-махсус касб-ҳунар таълими муассасалари ўқувчилари ўртасида ўтказиладиган «Баркамол авлод — 2011» мусобақасининг мамлакат босқичига мезбонлик қилади. Вилоят тарихида биринчи бор ўтказилаётган бундай йирик спорт тадбирига пухта ҳозирлик кўрилмоқда.

Шаҳар қиёфаси тубдан ўзгариб, улкан ҳажмдаги қурилиш-ободонлаштириш ишлари амалга оширилаётир. Ўн минг томошабинга мўлжалланган, футбол, енгил атлетика майдонига эга муҳташам универсал спорт зали қад ростламоқда. Ўнга яқин спорт иншооти реконструкция қилинаётир.

Дунёда молиявий-иқтисодий инқироз давом этаётган, турли давлатларда нотинчликлар рўй бераётган бир пайтда, мамлакатимизда бунёдкорлик ишларининг изчил давом эттирилаётгани, «Баркамол авлод — 2011» сингари йирик спорт мусобақаларининг мунтазам равишда ўтказиб келинаётгани Президентимиз раҳнамолигида юртимизда тинчлик ва осойишталикни сақлаш, аҳолининг турмуш фаровонлигини ошириш йўлида амалга оширилаётган бетимсол ишлар самарасидир.

Маълумотларга кўра, Сурхондарё вилоятида 2003 — 2010 йилларда Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси маблағи ҳисобидан 94 та иншоот қурилиб, фойдаланишга топширилган. Уларнинг 86 таси қишлоқ жойларида барпо этилган. 64 мактабда спорт зали, учта сузиш ҳавзаси, ўнта намунавий спорт иншооти, 14 болалар спорти объекти, учта болалар мусиқа ва санъат мактаби бунёд этилган. Барча шароитларга эга ушбу замонавий иншоотлар жамғарма томонидан 1 миллиард 273 миллион сўмликдан зиёд спорт анжомлари ва ускуналар билан жиҳозланган. Жумладан, 2010 йилда қурилган олтита спорт иншоотига 194 миллион 100 минг сўмлик спорт инвентарлари етказиб берилган. Спорт иншоотларига 16 минг 895 нафар ўқувчи жалб этилган бўлиб, уларнинг 5 минг 780 нафарини қизлар ташкил этади. Ўтган йили вилоятдаги спорт иншоотларида мунтазам шуғулланаётган ўқувчиларнинг 812 нафари мамлакат миқёсидаги мусобақаларда иштирок этиб, 139 нафари биринчи ўринни, 470 нафари иккинчи ва учинчи ўринларни қўлга киритди.

— Спорт иншоотларидан фойдаланиш самарадорлигини ошириш, спорт секциялари ва тўгаракларини профессионал мураббийлар ҳамда жисмоний тарбия ўқитувчилари билан таъминлаш масалаларига эътибор кучайгани машғулотлар сифатини ошириш, болаларни, айниқса, қизларни спортга янада кенгроқ жалб этиш имконини бермоқда, — **дейди Сурхондарё вилояти ҳокими ўринбосари, вилоят хотин-қизлар қўмитаси раиси Мавлуда Қобулова.** — Энг қувонарлиси, қизларимиз ўртасида спортнинг нафис тури — бадиий гимнастика оммалашмоқда. 2009 йили вилоятда 529 нафар қиз бадиий гимнастика билан шуғулланган бўлса, жорий йилда бу кўрсаткич минг нафардан ошди. Ўтган йили Термиз шаҳри, Денов, Сариосиё ва Жарқўрғон туманларидаги бадиий гимнастика секциялари ўн миллион сўмликка яқин спорт анжомлари ва жиҳозлари билан таъминланди. Болалар спорти иншоотларида машҳур спортчилар, Олимпиада ва Осиё ўйинлари қатнашчилари, жаҳон чемпионлари, турли халқаро мусобақалар ғолиблари ва совриндорлари иштирокида кўргазмали маҳорат сабоқлари йўлга қўйилгани ҳам ёш авлод вакиллари орасида спортга қизиқишни, интилишни кучайтирмоқда.

Вилоятда ёшларни болаликдан спортга жалб этиш юзасидан олиб борилаётган бундай ишлар ўз натижасини бераётир. 2010 йилда воҳа спортчилари халқаро ва мамлакат мусобақаларида 109 олтин, 94 кумуш ва 147 бронза медали соҳиби бўлдилар. 2010 йил Деҳли шаҳрида енгил атлетика бўйича ўтказилган Осиё мамлакатлари спортчиларининг халқаро турнирида Ситора Ҳамидова иккинчи ўринни эгаллади. Хитойнинг Гуанчжоу шаҳрида ўтган XVI Осиё ўйинларида каратэ бўйича Барно Мирзаева, енгил атлетика бўйича Анастасия Байкова фахрли ўринларга сазовор бўлди.

Спорт ёшларнинг иродасини тоблайди, юрагида Ватанга муҳаббат ҳиссини, миллий ғурурини кучайтиради. Мамлакатимиз шуҳратини дунёга танитишда муҳим омил бўлиб хизмат қилади. Президентимиз таъкидлаганидек, жаҳон миқёсидаги бугунги кескин мусобақада фақатгина жисмоний ва маънавий етук, интеллектуал салоҳияти юксак бўлган авлод ғолиб бўла олади.

Холмўмин МАМАТРАЙИМОВ,
журналист

Islohot va samara

Инсон ҳуқуқларининг устуворлиги тамойили — амалда

(Давоми. Бошланиши биринчи бетда)

— Президентимиз раҳнамолигида мамлакатимизда ҳуқуқий давлатни шакллантиришнинг муҳим таркибий қисми бўлган суд-ҳуқуқ тизими қурилишининг мутлақо янги концепцияси амалда жорий этилди, — **дейди Олий суд судьяси Ўктам ХОЛИҚОВ.** — Ўтган давр мобайнида суд ҳокимияти жамиятда қонун устуворлиги ва инсон ҳуқуқлари ҳимоясини таъминловчи яхлит тизим сифатида шаклланганини таъкидлаш жоиз.

Ҳокимиятлар бўлинишига оид конституциявий принципни изчил амалга ошириш мақсадида **«Судлар тўғрисида»**ги қонун янги таҳрирда қабул қилинди. Шунингдек, бу даврда жиноят-процессуал, фуқароликпроцессуал қонунчилигига тегишли ўзгартиш ва қўшимчалар киритилди. Бу суд тизимини ижро этувчи ҳокимият органлари назорати ва таъсиридан чиқариш имконини берди.

Давлатимиз раҳбари ташаббуси билан жиноий жазоларнинг либераллаштирилгани, хусусан, 2001 йилда жиноий жазоларнинг либераллаштирилиши муносабати билан **«Ўзбекистон Республикасининг Жиноят, Жиноят-процессуал кодекслари ҳамда Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексга ўзгартишлар ва қўшимчалар киритиш ҳақида»**ги қонуннинг қабул қилингани бу борада катта воқеа бўлди.

Ушбу қонунга кўра, жиноятларнинг таснифи ўзгартирилди. Бунинг натижасида оғир ва ўта оғир тоифадаги жиноятларнинг қарийб 75 фоизи ижтимоий хавфи катта бўлмаган ва унча оғир бўлмаган жиноятлар тоифасига ўтказилди. Иқтисодиёт соҳасидаги жиноят ишлари бўйича қамоқ ва озодликдан маҳрум этиш жазолари ўрнига жарима шаклидаги иқтисодий санкцияни қўллаш имконияти анча кенгайтирилди. Жиноий жазо тизимидан инсонпарварлик тамойилларига мутлақо зид бўлган мол-мулкни мусодара қилиш тарзидаги жазо тури чиқариб ташланди. Шунингдек, етказилган моддий зарарнинг ўрни қопланган тақдирда озодликдан маҳрум қилиш тариқасидаги жазо қўлланмаслиги ҳақидаги қоидалар Жиноят кодексининг 11 та моддасига киритилди.

Мазкур қонун қабул қилингач, шахсни жамиятдан ажратиб қўйиш билан боғлиқ бўлмаган жазо турларини тайинлаш имконияти кенгайди. Натижада озодликдан маҳрум қилиш тариқасида жазо қўлланилган шахслар салмоғи 2009 йилда 2000 йилга нисбатан икки баравардан кўпроқ қисқарди. Жумладан, жиноий жазоларни либераллаштиришга оид қонун қабул қилинганидан буён жиноят оқибатида етказилган 92 миллиард сўмдан ортиқ моддий зарарнинг ўрнини қоплаган 17 минг 175 нафар шахсга нисбатан озодликдан маҳрум қилиш билан боғлиқ бўлмаган жазо тайинланди.

Иқтисодий жиноятлар ҳақида сўз борар экан, яқин ўтмишда, яъни шўро қонунчилигида бу ҳол қандай акс этгани ёдга тушади. Муқояса асосида эса биз бугун амал қилаётган қонунларимизнинг нақадар инсонпарварлигини янада чуқурроқ англаймиз. Зеро, мустабид тузумда ҳимоя қилинадиган асосий субъект — давлат ҳисобланган. Шунинг учун ҳам давлатга зарар етказиш ўта оғир жиноят ҳисобланган ва бунга йўл қўйган шахслар шафқатсизлик билан жазоланган. Хусусан, йирик миқдорда давлат мулкини ўғирлаган жиноятчи ўша даврда амалда бўлган қонунчиликка мувофиқ ўлим жазосига ҳукм қилинар эди. Бу ҳам етмагандай, унинг мол-мулки мусодара этилган. Бундан кўзланган мақсад инсонни руҳан эзиш, уйидан, рўзғоридан айириш, фарзандларини тирикчилик манбаидан маҳрум этиш эди. Бундай шафқатсизлик оқибатида минг-минглаб бегуноҳ кишилар азият чеккани сир эмас.

Бугунги кунда мустақил давлатимиз қонунлари жазолашнинг озодликдан маҳрум қилиш ҳолларини қисқартириш ҳисобига қонунчиликнинг адолат ва инсонийлик каби тамойиллари кучайишини ва амалда қўлланишини таъминламоқда. Жиноят қонунчилигининг эркинлаштирилиши унинг инсонпарварлик тамойилларига мувофиқлашиши учун замин яратди. Ижтимоий хавфи катта бўлмаган жиноятлар тоифасининг кўпайиши қамоққа олиш билан боғлиқ бўлмаган ҳуқуқий институтлардан фойдаланиш имкониятини сезиларли даражада кенгайтирди. Мол-мулкни мусодара қилишга оид жазонинг чиқариб ташлангани Конституциямизда кафолатланган хусусий мулк дахлсизлигининг амалий ифодаси бўлди.

Бир сўз билан айтганда, бугун бизнинг ҳуқуқий доктринамиз мутлақо янгича, демократик тамойилларга асосланган. У, энг аввало, Ўзбекистон Конституцияси талабларига кўра, инсон ҳуқуқларининг устуворлигини таъминлайди. Инсон ҳимоянинг бош субъекти бўлиб, унинг ҳаёти ва соғлиғига суиқасд қилиш энг оғир жиноят ҳисобланади.

Давлатимиз раҳбарининг Олий Мажлис палаталари қўшма мажлисидаги **«Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси»** номли маърузасида таъкидланганидек, жазо тизимини либераллаштириш бўйича амалга оширилган бундай чора-тадбирларнинг нақадар тўғри бўлганини ҳаётнинг ўзи тасдиқлаб бермоқда. Масалан, хўжалик ишлари билан боғлиқ жиноий ишлар бўйича одамларни қамаш шарт эмас — бу давлатга жуда қимматга тушади, қолаверса, бундай жазо тури маҳкумларни тарбиялаш ва қайта тарбиялаш вазифасини ҳал қилмайди.

Жиноий жазоларни либераллаштириш борасидаги бундай чоралар натижасида Ўзбекистонда ҳозирги кунда қамоқдагилар сони жаҳон миқёсида энг паст кўрсаткични, яъни ҳар 100 минг нафар аҳолига 166 кишини ташкил қилади. Қиёслаш учун айтиш мумкинки, Россияда бу кўрсаткич 611 нафар, АҚШда 738 нафардан иборат.

Жазоларни либераллаштириш тўғрисидаги қонун меъёрларининг тўғри қўлланилиши инсон ҳуқуқ ва эркинликларига риоя этилиши билан бевосита боғлиқдир. Шу боис Олий суд Пленумининг бу борада **«Жазоларни либераллаштириш тўғрисидаги қонунни иқтисодиёт соҳасидаги жиноятларга нисбатан қўллашнинг айрим масалалари ҳақида»**ги қарори қабул қилинган. Мазкур қарор қонунни қўллаш, жиноятларни таснифлашда судьялар учун муҳим қўлланма бўлиб хизмат қилмоқда.

Айтиш жоизки, иқтисодий жиноятлар учун жавобгарлик доирасининг аниқ белгиланиши ҳисобидан жазонинг тарбиявий аҳамияти ва унинг самарасини ошириш имкони юзага келди. Кўпгина фуқароларимизга содир этган жинояти учун сўроқ ёки тергов ишлари бошланишининг ўзиёқ тегишли хулоса чиқариб олиш ва қонунни бошқа бузмаслик учун кифоя қилади. Шу маънода етказилган зарар ва жаримани тўлаган шахсларни озодликдан маҳрум этмаслик уларга берилган катта имкониятдир.

Мисол учун жиноят ишлари бўйича Бухоро вилояти судининг ҳукмига мувофиқ, фуқаро Т.Қудратов ва бошқалар 482 миллион 179 минг сўмлик давлат мулкини ўзлаштириш йўли билан талон-торож қилганлиги учун Жиноят кодексининг 167-моддаси 3-қисми «а» банди ва бошқа моддалари билан турли муддатларга озодликдан маҳрум қилиш жазосига судланган. Мазкур жиноят ишини апелляция инстанцияси судида кўриш жараёнида жиноят оқибатида келтирилган зарар қопланганлиги сабабли, уларга озодликдан маҳрум қилиш билан боғлиқ бўлмаган жазо тайинланди.

Шунингдек, кассация инстанциясининг ажрими билан фуқаро У.Нуров ва бошқалар жиноят оқибатида келтирилган 163 миллион 657 минг 819 сўм зарарни қоплаганлиги сабабли, озодликдан маҳрум қилиш билан боғлиқ бўлмаган жазо тайинланган. Улар содир этган бу ноқонуний иши учун турли муддатларга озодликдан маҳрум этилганди. Етказилган зарарни кейинчалик қоплаганлари учун суд ишни қайта кўриб чиқди ва уларни озодликка чиқарди.

Хулоса қилиб айтганда, жиноятчиликнинг олдини олиш, унга қарши курашиш самарадорлиги жазонинг оғирлиги ва шафқатсизлигига эмас, балки биринчи навбатда, қонунни бузган шахс жазонинг муқаррарлигини нечоғлик англашига боғлиқ. Бу тамойил ўтган йилларда суд амалиётида ўз исботини тўлиқ топди, дейишга бугун асосларимиз бор. Энг муҳими, бу мустақилликка эришганимиздан сўнг қўлга киритилган энг катта, энг муҳим ютуқлардандир. Бу борада бугун Ўзбекистондан ҳатто бошқа давлатлар ўрнак олса, арзийди.

Норгул АБДУРАИМОВА,
журналист

Fuqarolik qonunchiligi

Ноўрин даъво

судда қонуний тартибда рад этилди

(Давоми. Бошланиши биринчи бетда)



Дастлаб, фуқаролик ишлари бўйича Зангиота туманлараро судининг 2009 йил 8 июлдаги ҳал қилув қарорига кўра, даъвогар М.Гатаулиннинг даъвоси қаноатлантирилган. Фуқаролик ишлари бўйича Тошкент вилояти суди апелляция инстанциясининг 2009 йил 5 октябрдаги ажрими билан эса юқоридаги ҳал қилув қарори бекор қилинган ва М.Гатаулиннинг даъво талаблари рад этилган.

Шу ўринда савол туғилади: хўш, апелляция инстанциясининг бундай хулосага келишига нима сабаб бўлди?

Гап шундаки, Фуқаролик процессуал кодексининг 15-моддасига кўра, суд тақдим этилган материал ва тушунтиришлар билан чекланмасдан, ишнинг ҳақиқий ҳолатини, тарафларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятларини ҳар тарафлама, тўлиқ ва холисона аниқлаш учун қонунга асосланган ҳолда чоралар кўришга ҳақли.

Суд ҳужжатларига қараганда, низоли ер майдони Тошкент вилояти ижроия қўмитасининг 1940 йил 9 декабрдаги 565-сонли қарори билан Тошкент Геофизика обсерваториясига ажратиб берилган. Бу Тошкент вилояти давлат архивининг 1987 йил 13 мартдаги 2-1/40-сонли маълумотномаси билан тасдиқланган. Қолаверса, Президентимизнинг 1991 йил 5 мартдаги 149-сонли Фармонига мувофиқ қабул қилинган Фанлар академиясининг уставида академиянинг асосий фондлари ва бошқа мол-мулкларини унинг розилигисиз ёки амалдаги қонунчиликка зид равишда бегоналаштириш ёки қайта тузиш мумкин эмаслиги қайд этилган.

Бундан ташқари институт раҳбариятининг 1995 йилдаги давлат солиқ инспекциясига мурожаати асосида 1,04 га ер майдонига тўланиши лозим бўлган солиқ ҳисоб-китоблари ишлаб чиқилган ва институт томонидан 1999 йил, яъни солиқлардан озод этилгунига қадар бу тўлов амалга оширилиб келинган.

Фуқаролик кодексининг 212-моддаси 4-қисмига кўра, шахс ўзига қарашли бўлмаган ер участкасида ўзбошимчалик билан иморат қурган бўлса, унинг бу иморатга нисбатан мулк ҳуқуқи суд томонидан башарти мазкур участка шу шахсга қурилган иморат учун белгиланган тартибда бериладиган бўлса, эътироф этилиши мумкин.

Суд мажлисларида даъвогар М.Гатаулин низоли хонадон отаси томонидан сотиб олинганлигини ҳамда иморат жойлашган ер майдони унга якка тартибда уй-жой қуриш учун ажратиб берилганлигини тасдиқловчи бирон-бир далилни тақдим этмаган. Ҳолбуки, Фуқаролик процессуал кодексининг 57-моддасига кўра, ҳар бир тараф ўзининг талаб ва эътирозларига асос қилиб кўрсатган ҳолатларни исботлаши шарт. Даъвогарнинг низоли хонадон учун солиқ тўловларини тўлаб келганлиги эса мазкур иморатга нисбатан унинг мулк ҳуқуқини эътироф этиш учун асос бўлолмайди.

Биринчи инстанция суди низоли уйга даъвогар М.Гатаулиннинг мулк ҳуқуқини эътироф этиш ва унга 0,13 га ер майдонига бириктириб беришда Фуқаролик кодексининг 187-моддасида назарда тутилган эгалик қилиш ҳуқуқини вужудга келтирувчи муддатлар ўтганлигини асос сифатида келтирган бўлса-да, ушбу моддий ҳуқуқ меъёрини қўллаш учун тураржойга нисбатан бирон-бир шахснинг мулк эгалиги мавжудлиги асос бўлиши ҳақидаги қонун талабига риоя қилмасдан, нотўғри хулосага келган.

Шунингдек, биринчи инстанция суди Олий суд Пленумининг раҳбарий кўрсатмаларига риоя қилмай, тегишли ҳокимият органи низоли ер майдони даъвогарга ажратиб берилган тақдирдагина мулк ҳуқуқини эътироф этиш мумкинлиги ҳақидаги тушунтиришига зид равишда, суд мажлисида иштирок этган туман ҳокимияти ҳуқуқшуносининг оғзаки кўрсатмаси билан даъвони қаноатлантирган. Судлов ҳайъатининг сўровномаси асосида Тошкент тумани ҳокимияти томонидан тақдим этилган 2009 йил 22 сентябрдаги 01/282-сонли хатга кўра, низоли иморат жойлашган ер майдони Фанлар академияси Геология ва геофизика институтига қарашли бўлиб, даъвогарга ер участкасини ажратиш ушбу муассасанинг розилиги билангина ҳал этилиши мумкин.

Тошкент тумани Ер ресурслари ва кадастр хизмати томонидан тақдим этилган ҳужжатларга қараганда, низоли ер майдони 2007 йил 24 февралда йўқламадан (инвентаризация) ўтказилган бўлиб, 1,2 гектар ер майдони чегаралари кўрсатилган ҳолда институтга қарашлилиги тўғрисида далолатнома тузилган.

Вилоят суди апелляция инстанцияси Геология ва геофизика институти томонидан низоли ер майдони М.Гатауллинга ажратилмаганлигини ҳамда низоли иморатга мулк эгалигини белгиланишига рози эмаслигини инобатга олган ҳолда ҳал қилув қарорини бекор қилиб, иш юзасидан М.Гатаулиннинг даъво талабларини рад этиш ҳақида янги ҳал қилув қарори қабул қилди.

Юқорида қайд этилганлардан маълум бўладики, фуқаролар ўзларига якка тартибда уй-жой қуриш учун ажратилган ер майдонларидагина қурилиш ишларини амалга ошириши лозим. Бу қоидадан четга чиқиш эса турли низолар келиб чиқишига, хусусан, фуқаро ва ташкилотларнинг манфаатларига зид ҳолатларни вужудга келишига сабаб бўлади.

Зафар МИРЗАҚУЛОВ,
фуқаролик ишлари бўйича Тошкент вилояти судининг судьяси

2011 йил — «Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик йили»

Тадбиркорлик — тараққиётимиз асоси

юртимиз ривожи йўлида тадбиркорлик билан шуғулланаётган опа-сингилларимизнинг алоҳида ўрни борлиги барчамизни қувонтиради

Мустақиллик йиллари-да жамиятда аёлларнинг нуфузини ошириш, уларнинг иқтидор ва интилишларини рўёбга чиқариш учун зарур шароитларни яратиш борасида амалга оширилган кенг кўламли ислоҳотлар бугун ўзининг ижобий натижасини бераётир. Улар жамият ҳаётининг барча жабҳаларида фаол иштирок этаётир. Жумладан, иқтисодиётимизнинг муҳим таянчи бўлган тадбиркорлик соҳасида ҳам опа-сингилларимиз муносиб ўрин эгаллаб келмоқда.

Улар тадбиркорлик соҳасига берилаётган катта эътибор туфайли фаолиятини тобора кенгайтириб, нафақат ўзи даромад топаётир, балки юртимиз тараққиётига муносиб ҳисса қўшмоқда. Ўзининг оқила ва тадбиркорлиги билан янги иш ўринлари яратаётган, қўни-қўшниси, маҳалладошларини қўллаб-қувватлаётган хотин-қизлар фаолияти бунга мисолдир. Бу оқила тадбиркорларни янги йилнинг «Кичик бизнес ва тадбиркорлик йили» деб аталгани янада руҳлантирди.

Халқимиз азалдан ҳунари бор кишини ардоқлайди. «Ҳунари бор хор бўлмас» сингари ҳикматлар ҳам бежиз пайдо бўлган эмас. Бу айниқса, аёлларга кўпроқ таалуқли бўлиб, улар азалдан каштачилик, гиламдўзлик, дўппидўзлик, қандолатчилик билан машғул бўлган. Энг асосийси, халқимиз асрлар давомида асраб-авайлаб келаётган мана шу ҳунармандчиликка бугунги кунда давлат даражасида эътибор қаратилаётир. Зотан, касаначиликнинг қўшимча иш ўрни яратиш, ёшларни фойдали меҳнатга жалб қилиш, оила даромадини оширишдаги аҳамияти беқиёс.

Мана, яна бир неча кундан сўнг гўзаллик ва нафосат тимсоли бўлган аёллар — оналаримиз, опа-сингилларимизнинг байрамини нишонлаймиз. Ушбу ажойиб байрам билан юртимизнинг барча аёлларини табриклар эканман, юртимиз равнақида уларнинг алоҳида ўрни борлигини, хусусан, тадбиркор опа-сингилларимиз ўзларининг иқтидори ва салоҳияти билан умумишимизга муносиб ҳисса қўшаётганини таъкидлашни истардим. Бу йўлда уларга доимо омад ёр бўлаверсин!

Орзигул ШУКУРУЛЛАЕВА,
Жондор тумани ФҲДЁ бўлими мудираси

Ён-атрофга теран назар ташлаган киши ҳар бир воқеа-ҳодисага холис баҳо беради. Аниқроғи, ақл-идрок одам боласига фақат эзгу ишларни амалга ошириш учун берилгани, қора қилмишлар эса доимо қораланишини, эзгулик учун мукофот, қинғирлик учун жазо муқаррарлигини ақли расо киши асло унутмайди. Шундай экан, одам деган номга муносиб бўлмоқ учун кишилар бир-бирини ардоқлаб яшамоғи, инсониятга хавф соладиган турли иллатларга биргаликда, ҳамжиҳатлик билан курашмоғи зарур.

Transmilliy jinoyatchilik

Одам савдоси

Албатта, бу ҳаётда умрини эзгуликка бахшида қилган, виждонига қулоқ тутиб, имонига зид боришни хаёлига ҳам келтирмай яшаётган инсонлар кўп. Бундай одамлар учун ўзларининг ҳаёти нечоғлик қимматли бўлса, бошқаларнинг умри ҳам шунчалик ҳурматга сазовордир. Аммо ҳаётда нафс қутқуси таъсирида ҳар қандай қора қилмишдан тап тортмайдиган кимсалар ҳам учраб туради.

...Ҳазорасплик Барно хорижий давлатдаги атиги бир неча кунлик ҳаёти бу қадар оғир ва аянчли кечишини хаёлига ҳам келтирмаганди. «Беминнат» кўмакдоши Нигора ва унинг хорижлик ҳамтовоғи томонидан ваъда қилинган жаннатмонанд ҳаёт аслида разолатга тўла экан. Ҳавожон билан Моҳира ҳам шу қўйга тушишди. Улар Нигоранинг ширин сўзлари, қуюқ ваъдаларига учишганди. Афсуски, улар бегона тупроққа қадам қўйиши биланоқ аввалги ширинсуханликдан асар ҳам қолмади. Аксинча, тазйиқ, таҳдид, дағдаға ва зуғумга дуч келишди.

Судда кўрсатма берган айбланувчи Нигора Одамбоева сувдан қуруқ чиқиш ниятида айбини сира тан олгиси келмади. Унинг айтишича, гўё қизларнинг ўзлари хорижга боришни исташган, Нигора эса уларни Тошкентдаги Ойша исмли танишининг қўлига топширган, холос. Ойша билан қариндоши Шаҳнозанинг жиноий қилмишга қўл ураётганидан мутлақо «бехабар» бўлган...

Ҳа, жиноятни қилиб, сўнг қўлга тушган бу кимса жазодан қутулиш учун нималарни ўйлаб топмади дейсиз? Аммо «Ўзимни ювош, қўйнинг оғзидан чўп олмайдигандай кўрсатсам, ишонишади», деб ўйлаб хато қилган эди. Сабаби, бошқа далиллар ва жабрланувчи ҳамда гувоҳларнинг кўрсатмалари билан унинг асл қиёфаси фош этилди. Масалан, жабрланувчи Ҳавожон Тангрибердиеванинг суддаги кўрсатмасига эътибор беринг: «Нигора опа дастлабки учрашувдаёқ «виза» баҳона паспортимни олиб қўйди. Кейин Барно Хўжаева, Шаҳло Собирова ва мени қариндоши Шаҳноза опа томонидан жўнатилган пулни йўлкирага харжлаган ҳолда Тошкентга етказиб келди. Бу орада бир неча марта Шаҳноза опа билан телефонда гаплашиб, бизнинг тезда етиб боришимиз ҳақида унга хабар берди». Бошқа бир жабрланувчи Барно Хўжаеванинг баён этишича, Нигора уларни «одамгарчилик» юзасидан чет элга етиб олиши учун Тошкентга элтиб қўйиш билан кифояланмаган, аксинча, уйларигача излаб келган. Шунда Барнонинг онаси уни қувиб солган. Бироқ Нигора қизни ширин ваъдалар бериб аврай бошлаган. Қарангки, содда қиз онаизорининг илтижоларини инобатга олмай, «ҳожатбарор» аёлнинг айтганига кўнган. Ўзбекистондан ҳавога кўтарилган Барно, Ҳавожон ва Моҳира тезда хорижий давлатга етиб, тўппа-тўғри Шаҳнозанинг қўлига, аниқроғи, у ҳозирлаб қўйган қафасга келиб тушишган...

Бу жабрланувчиларнинг аянчли тақдири улар билан йўлга отланган Шаҳлони четлаб ўтади. Тўғрироғи, Шаҳло ҳушёрлик қилиб, тузоқни пайқаб қолади.

8 март — Халқаро хотин-қизлар куни

Эҳтиром ва эъзоз соҳибалари

(Давоми. Бошланиши биринчи бетда)

Она соғлом бўлса, соғлом фарзанд туғилади, фарзанд соғлом бўлса, мамлакат муттасил ривожланади. Президентимиз томонидан илгари сурилган, ўзида ана шундай эзгу мақсадни мужассам этган «Соғлом она — соғлом бола» концепцияси мамлакатимизда оналик ва болаликни муҳофаза қилиш, хотин-қизлар саломатлигини асраш, ҳар томонлама соғлом ва баркамол авлодни тарбиялашнинг самарали механизмини шакллантириш имконини бермоқда. Бир мисол: ўтган йилларда юртимизнинг барча ҳудудларида оналар ва болаларни тиббий текширувдан ўтказиш учун скрининг ва перенатал марказлари фаолияти йўлга қўйилди. 2010 йилнинг ўзида скрининг марказларига 4 миллион доллардан ортиқ маблағ йўналтирилди.

Миллий қадриятларимиз бешиги, инсон камолотининг илк қўрғони бўлган оиланинг жамиятимиздаги ўрни ва таъсирини кучайтириш ишларида ҳам аёлларнинг, фарзандида покиза туйғуларни тарбиялаётган оналарнинг иштироки беқиёс аҳамият касб этади. Зеро, инсон ҳаётидаги барча маънавий мезон ва қарашлар — яхшилик ва эзгулик, олижаноблик ва меҳр-оқибат, ор-номус ва андиша каби муқаддас тушунчаларнинг пойдевори оиладир. Юртбошимиз **«Юксак маънавият — енгилмас куч»** асарида бу ҳақда шундай таъкидлайди: **«Оилавий тарбия масаласида хатога йўл қўймаслик учун аввало ҳар қайси хонадондаги маънавий иқлимни ўзаро ҳурмат, одоб-ахлоқ, инсоний муносабатлар асосига қуриш айни муддао бўлур эди»**.

Юртимизда бу борадаги ишлар, аввало, қизларни оилавий ҳаётга тайёрлашдан бошланди. Мустақил ҳаётга қадам қўйиш арафасида турган ёш қизларга оила, унинг боқий қадриятлари улуғлиги, фарзанд деб аталмиш бебаҳо неъмат қадри ҳақида атрофлича қўникмалар бериш мақсадида «мактаб — оила — маҳалла» ҳамкорлиги йўлга қўйилди. Таълим муассасалари юқори синф ўқувчиларига шу мавзуга бағишланган махсус фанлар ўқитилмоқда. Барча фуқаролик ҳолати далолатномаларини ёзиш бўлимларида ташкил этилган «Оила дорилфунуни»да йигит-қизларга соғлом оила қуришнинг сир-асрорлари ўргатилаётир.

«Кучли давлатдан — кучли фуқаролик жамияти сари» тамойилини босқичма-босқич амалга ошириш жараёнида аёлларнинг фаол иштироки таъминланаётгани демократик тараққиётни тўлиқ намоён этаётир. Бугун юксак билим ва малакага эга оқила аёллар ҳокимиятнинг қонунчилик, ижро ва суд тармоқларида нуфузли ўринларда самарали меҳнат қилаётир. Кўплаб хотин-қизларимиз халқимизнинг ишончли вакиллари сифатида фаолият олиб бормоқда.

Бунда сайлов тўғрисидаги мавжуд қонунларимизда Президентимиз ташаббуси билан Олий Мажлис ва маҳаллий вакиллик органларига номзод кўрсатишда ҳар қайси сиёсий партия томонидан хотин-қизларга камида 30 фоиз ўрин ажратиш шарти белгиланганини муҳим омил бўлмоқда. Қонунчилигимизга киритилган бу меъёр юртимизда хотин-қизларга кўрсатилаётган эътибор, айни пайтда уларнинг конституциявий ҳуқуқларини тўлиқ намоён этишлари учун яратилган улкан шарт-шароитларнинг ёрқин ифодасидир.

Хотин-қизларни иш билан таъминлаш, айниқса, қишлоқ жойларида уларнинг меҳнат ва ўқиш шароитларини яхшилаш, аёлларни тадбиркорлик фаолиятига жалб этишга қаратилган дастурларнинг ҳаётга изчил татбиқ этилаётгани самарасида фермерлик ҳаракати ва касаначилик, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик соҳасида уларнинг сафи тобора кенгайиб бормоқда. Мамлакатимизда 2010 йилда ташкил этилган жами 950 мингдан ортиқ иш ўрнининг 210 мингдан ортиғи касаначилик соҳасига тўғри келгани ҳам хотин-қизлар учун қулай меҳнат шароитларини яратмоқда. Бу уларга фарзандлар тарбиясидан ажралмаган ҳолда даромад топиш имконияти бермоқда.

Ҳар йили Президентимиз фармонлари билан кўплаб хотин-қизлар мамлакатимизнинг юксак унвонларига, орден ва медалларга сазовор бўлаётир. Юртимиз шонли шуҳрати, иқтисодий салоҳиятини юксалтиришга, мустақиллигимизни мустаҳкамлашга улкан ҳисса қўшиб, ўзининг фидокорона меҳнати билан Ватанимизнинг олий мукофоти — **«Ўзбекистон Қаҳрамони»** деган шарафли номга сазовор бўлган аёллар сафи тобора кенгаймоқда.

Ҳа, ҳаётимизнинг барча жабҳаларида аёллар муносиб ўрин эгаллаётгани, хотин-қизларнинг жамиятдаги мавқеи юксалаётгани мамлакатимизда демократик тамойиллар тобора мустаҳкам қарор топаётганининг амалдаги самарасидир.

Муаттархон РЎЗИБОЕВА

Аёл бахти

ёки мамлакатимизда уни рўёбга чиқариш учун яратилган имкониятлар ҳақида

(Давоми. Бошланиши биринчи бетда)

Шунингдек, ўтган **«Баркамол авлод йили»**да оналар ва болалар саломатлигини муҳофаза қилиш мақсадида Тошкент шаҳрида, вилоят марказларида замонавий ускуналар билан жиҳозланган диагностика, скрининг ва перенатал марказлари, туғуриқ мажмуалари бунёд этилди. Соғлиқни сақлаш тизимини ривожлантириш, оналик ва болаликни муҳофаза қилиш, турли касалликларни даволаш мақсадида 1 триллион 700 миллиард сўмдан ортиқ маблағ ажратилди. Амалга оширилаётган бу каби эзгу саъй-ҳаракатлар моҳият-эътибори билан аёлларнинг жамиятда муносиб ўрин эгаллашига хизмат қилмоқда.

Шу ўринда мавзуга дахлдор масалаларнинг миллий қонунчилигимизда акс этиши ҳамда бу борадаги халқаро ҳуқуқ нормаларининг миллий қонунчилигимизга сингдирилиши хусусида тўхталиб ўтсак. Жумладан, мустақиллик йилларида қабул қилинган 100 га яқин қонун ҳужжатлари хотин-қизларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоялашга бевосита алоқадор эканлигини таъкидлаш жоиз. Ўзбекистон 1995 йил Марказий Осиё давлатлари орасида биринчилардан бўлиб, БМТнинг «Хотин-қизлар камситилишининг барча шаклларига барҳам бериш тўғрисида»ги конвенциясига қўшилди.

Миллий қонунчилигимизнинг турли ҳуқуқ соҳаларида ҳам хотин-қизларнинг ижтимоий, руҳий, физиологик хусусиятларига хос меъёрлар белгиланиб, имтиёз ва кафолатлар берилган. Хусусан, хотин-қизлар меҳнатидан фойдаланишни тўғри йўлга қўйиш, хотин-қизларни ишга қабул қилиш вақтида турли чеклашларга йўл қўймаслик, ҳомиладор, ёш болали аёлларга берилган имтиёз ва ҳуқуқлар Меҳнат кодексида ўз ифодасини топган.

Статистик маълумотларни таҳлил этадиган бўлсак, мамлакатимиз аҳолисининг 50,3 фоизини, ишлаб чиқариш соҳасида меҳнат қилаётганларнинг 44 фоизини аёллар ташкил этади. Бугунги кунда хотин-қизларимиз ижтимоий-сиёсий ҳаётнинг барча соҳаларида самарали меҳнат қилишмоқда. Улар умумий ишловчилар сонига нисбатан саноатда 42,8 фоизни, маориф, маданият, фанда 72,9 фоизни, маиший хизматда 70 фоизни, соғлиқни сақлашда 75, 3 фоизни ташкил этади.

Бир сўз билан айтганда, бугунги кунда ҳаётимизда аёл ўзининг илмий салоҳияти, ишлаб чиқаришдаги ютуғи, тадбиркорликдаги муваффақияти, маънавий камолоти ва оилада меҳрибон бека, ғамхўр она эканлиги билан алоҳида ўрин тутади. Зеро, мамлакатимизда хотин-қизларга ўз салоҳиятларини намоён этишлари учун барча имконият ва шароитлар яратиб берилган.

Хайруллохон КАМОЛОВ,
жиноят ишлари бўйича Қашқадарё вилояти судининг бош мутахассиси

Burch va majburiyat

Фуқаролар ҳаёти ва соғлиғи — дахлсиздир

қонунчиликда уларга етказилган зарарнинг тўлиқ қопланиши белгиланган

(Давоми. Бошланиши биринчи бетда)

Яъни фуқаро майиб бўлиб қолганда ёки унинг соғлиғига бошқача тарзда шикаст етказилганда жабрланувчи оладиган ёки муайян равишда олиши мумкин бўлган йўқотилган иш ҳақи (даромадлари), шунингдек, саломатлигига шикаст етказилиши туфайли қилган қўшимча харажатлари, агар жабрланувчининг ана шундай ёрдамни бепул олиш ҳуқуқига эга эмаслиги аниқланса, зарар етказувчи томонидан тўлиқ қопланиши лозим.

Эътибор бериш керакки, йўқотилган иш ҳақини аниқлашда жабрланувчига майиб бўлиши ёки соғлиғига бошқача шикаст етиши сабабли тайинланган ногиронлик пенсияси, шунингдек, соғлиғига зарар етказилмасидан олдинги ва ундан кейинги бошқа турдаги пенсиялар, нафақалар ва шунга ўхшаш бошқа тўловлар эътиборга олинмайди ва зарарни қоплаш ҳисобига киритилмайди.

Мунтазам равишда олиб борилаётган ҳуқуқий тарғибот ва ташвиқот ишлари натижасида бузилган ҳуқуқларини тиклашда амалий ёрдам сўраб судларга мурожаат қилаётган фуқаролар сони кўпаймоқда.

Маълумотларга кўра, фуқаролик ишлари бўйича Янгиқўрғон туманлараро суди томонидан 2009 йилда 4 та шу тоифадаги иш кўрилиб, жавобгарлардан 3.856.099 сўм маънавий ва моддий зарар ундирилган. 2010 йилда эса шу тоифадаги 8 та иш кўрилиб, 7 та иш бўйича даъволар қаноатлантирилган ва жавобгар шахслардан маънавий зарар учун 1.795.000 сўм, моддий зарар учун 808.126 сўм ундирилган.

Масалан, У.Маматов «ГАЗ-53» русумли машинани бошқариб кетаётганда М.Неъматуллаев бошқараётган «ДАМАС» русумли машинани уриб юборади. Ушбу йўлтранспорт ҳодисаси натижасида М.Неъматуллаев ўртача даражада тан жароҳати олиб, касалхонага ётқизилади.

«Фалокат қош билан қовоқнинг орасида», дейишади. Шундай экан, билиб-билмай бировга зарар етказган кишининг жабрланувчидан ҳол-аҳвол сўраши, унга қарашиши инсоний фазилат саналади. Бироқ айбдор бўлишига қарамай, У.Маматов М.Неъматуллаевнинг ҳолидан хабар олишни ҳам, унга етказилган зарарни қоплашни ҳам хаёлига келтирмайди. Шундан сўнг М.Неъматуллаев бузилган ҳуқуқини тиклаш ва ўзига етказилган зарарни ундиришни сўраб, судга даъво аризаси билан мурожаат қилади. Суд аризани мазмунан кўриб чиқиб, М.Неъматуллаев томонидан тақдим қилинган маълумотномаларни ҳисобга олиб, унинг фойдасига жавобгардан моддий ва маънавий зарар учун 1.403.366 сўм ундириш тўғрисида қарор қабул қилди.

Хулоса ўрнида шуни таъкидлаш керакки, фуқаролик муносабатларига оид барча масалалар қонунчиликда аниқ тартибга солинган бўлиб, уларни билиш ҳуқуқ ва манфаатларни ҳимоя қилиш, улар бузилган тақдирда, тиклашни сўраб тегишли идораларга мурожаат этиш имконини беради. Зотан, Конституциямизда ҳам, қонунларда ҳам инсон ҳуқуқ ва эркинликлари дахлсиз эканлиги, улар қонун йўли билан муҳофаза этилиши қатъий белгилаб қўйилган.

Дилфуза ГАЙБУЛЛАЕВА,
фуқаролик ишлари бўйича Янгиқўрғон тумани судининг раиси
Икромжон ОРИФЖОНОВ,
«Куч – адолатда» мухбири

Muloqot

Газетхон савол беради...

— Ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган болалар тўғрисидаги маълумотларни ўз вақтида васийлик ва ҳомийлик органига етказмаслик қандай жавобгарликни келтириб чиқаради?

Р.ТОҲИРОВА,
Тошкент шаҳри

— Бундай қилмиш ҳуқуқбузарлик саналиб, маъмурий жавобгарликка сабаб бўлади. Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекснинг 47[1]-моддасига биноан, ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган болалар тўғрисида шундай болалар турган муассаса раҳбари ёки фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органи мансабдор шахси томонидан васийлик ва ҳомийлик органига хабар бермаслик, шунингдек, улар томонидан ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган болалар ҳақида атайин нотўғри маълумот бериш мансабдор шахсга энг кам иш ҳақининг уч бараваридан етти бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади.

— Мен яқинда вақтинчалик меҳнатга қобилиятсизлик нафақасига чиққан эдим. Бу маълумотни кечикиб олдик, деган важ билан корхона мутасаддилари вақтинчалик меҳнатга қобилиятсизлик нафақасини пайсалга солишди. Шу тўғрими?

З. НИШОНОВ,
Зарафшон шаҳри

— Йўқ, бу ноқонуний. Бунинг учун корхона маъмурияти Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекснинг 49[3]-моддаси бўйича маъмурий жавобгарликка тортилади. Ушбу моддага асосан, вақтинча меҳнатга қобиليятсизлик, ҳомиладорлик ва туғиш нафақаларини қонун ҳужжатларида белгиланган миқдорларда тўлаш бўйича мажбуриятидан бўйин товлаш мансабдор шахсларга энг кам иш ҳақининг ўн бараваридан ўн беш бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади.

— Мерос олувчи сифатида қонун бўйича иккинчи навбатдаги ворис тоифасига кимлар киради?

Ш. ЛАТИПОВ,
Амударё тумани

— Фуқаролик кодексининг 1136-моддасига асосан, мерос қолдирувчининг туғишган ҳамда она (ота) бир, ота (она) бошқа ака-укалари ва опа-сингиллари, шунингдек, унинг ҳам ота, ҳам она тарафдан бобоси ва бувиси тенг улушларда қонун бўйича иккинчи навбатдаги ворислик ҳуқуқига эга бўлишади.

Саволларга юридик фанлари номзоди Саломат НИЁЗОВА жавоб берди

— хавфли иллат

Суд ва терговда тасдиғини топган далилларга қараганда, хорижий давлат аэропортида қизларни Шаҳноза ҳамда унинг шу ерлик ҳамтовоқлари кутиб олишади. Сўнг қизларни Мая исмли аёлнинг қўлига топширишади. Нигора ваъда қилган «энага»лик аслида тан сотишдай чиркин иш экани ҳам мана шу ерда маълум бўлади. «Биз бошиданоқ қатъиян қарши турдик, — дейди судда кўрсатма берган Ҳ.Тангрибердиева. — Аммо мажбурлаб, қўрқитишгани, айтганини қилмасак, жангарилар қўлига топшириб юборамиз, дея дўқ уришгани сабабли, тақдирга тан беришдан бўлак иложимиз қолмади...».

Хайриятки, орадан кўп ўтмай Маянинг чиркин ишлари маҳаллий полиция томонидан фош этилиб, бошқалар қатори тутқундаги Ҳавожон ҳам қўлга олинади. Ана шу воқеадан сўнг у юртга қайтиш имконини топади.

Албатта, ҳар ким экканини ўради. Шу маънода қизлар ўзлари йўл қўйган хатонинг қурбони бўлишди, узоқдаги саробнинг жимжимадор нақшини кўришди-ю, оёқ остидаги тузоқни пайқамай қолишди. Энди хориждаги бир неча кунлик ҳаёт улар учун бир умрлик аччиқ хотира бўлиб қолиши тайин. Бироқ шахсий манфаат илинжида одамларни йўлдан урган, уларнинг шаъни ва ор-номусини топтаб, таҳқирлаган, боз устига одам савдоси ва қўшмачиликка бошқош бўлганлар-чи, уларга аталган жазо ҳам бордир, ахир? Ҳа, бор ва у муқаррар. Ҳеч ким қилмишининг қидирмишидан қочиб қутулолмайди. Бу гал ҳам шундай бўлди. Нигора Одамбоеванинг қонунга хилоф хатти-ҳаракатлари юртимиз қонунчилиги талабларига биноан кўриб чиқилди. Жиноят ишлари бўйича Ҳазорасп тумани суди Н.Одамбоевани Жиноят кодексининг 135-моддаси 3-қисми «г» банди билан айбли деб топади.

Шуни ҳам алоҳида таъкидлаш жоизки, юқоридаги жиноят ишининг фош этилиши юртимизда одам савдоси билан боғлиқ ножўя ва ноинсоний хатти-ҳаракатларга қарши курашишга қаратилган амалий фаолиятнинг бир кўринишидир. Бундай саъй-ҳаракатлар ҳамма жойдаги сингари бизнинг туманимизда ҳам ўз натижасини бермоқда. Туман суди 2010 йили шу масала юзасидан битта — юқорида келтирилган жиноят ишини кўриб чиқди. Ваҳоланки, бу кўрсаткич олдинги йили 8 тани ташкил этган эди.

Баъзилар жиноятни бировга қўйилган тузоқ, деб ўйлашади. Буни инкор қилолмаймиз. Аммо у аслида ўзўзига қўйилган тузоқ ҳамдир. Негаки, қинғирлик ҳеч маҳал беиз кетмайди. Нигора ва Шаҳноза томонидан содир этилган ва бир учи узоқ хорижгача бориб етган юқоридаги одам савдоси жиноятининг қонуний интиҳоси бу фикрнинг ёрқин далилидир.

Ҳасанбой МУҲАММАДЖОНОВ,
жиноят ишлари бўйича Ҳазорасп тумани суди раиси
Хусан СОБИРОВ,
«Куч — адолатда» мухбири

Jinoyat va jazo

Нафс тузоғи

Мамлакатимизнинг иқтисодий барқарорлигини таъминлаш ва аҳолининг турмуш даражасини янада яхшилашда банк тизимининг ўрни беқиёс. Банк соҳасининг нуфузини оширишда эса шу соҳа ходимларининг ҳиссаси катта.

Аммо гуруч курмаксиз бўлмайди, деганларидек, бу соҳада ҳам ўз касбини улуғлаб, сидқидилдан меҳнат қилаётган ходимлар билан бирга ҳавойи нафс йўриғига кириб, бошқалар ҳақига хиёнат қилишдай чиркин ишга қўл ураётган кимсалар ҳам баъзан учраб туради. Масалан, «Халқ банки»нинг Чироқчи тумани бўлими 028- ва 037-сонли шохобчаларида ишлаган Камол Худойберганов, Очил Бойқобилов, Қўзибой Қалқонов ҳамда Абдукамол Бобоқуловни ҳам мана шундай кимсалар тоифасига киритиш мумкин. Тўғрироғи, улар ҳалолликдан чекинишгани оқибатида номларига доғ туширишди.

Гап шундаки, кам таъминланган оилаларга бериладиган моддий ёрдам ва нафақа пулларига кўз олайтиришгани учун Очил Бойқобилов ва Камол Худойберганов жавобгарликка тортилган, фақат Олий Мажлис Сенатининг «Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг 18 йиллиги муносабати билан амнистия тўғрисида»ги қарорига асосан жавобгарликдан озод этилган эди.

Аммо гумроҳ бандалар бу бағрикенгликдан тўғри хулоса чиқариш ўрнига «ўрганган кўнгил ўртанса қўймас» қабилида иш тутишди. Тўғрироғи, минг тавбатазарру билан қайта ишга жойлашиб олишди-ю, кўп ўтмай яна эски «ҳунар»ларини бошлашди.

(Давоми тўртинчи бетда)

ДОНОЛАР ДЕЙДИЛАРКИ...

Сирнинг очилишига уни ўзгаларга ишонган одамнинг ўзи айбдор.

* * *

Сўз амал билан дуруст бўлади. Амал ва сўз ният билан дуруст бўлади. Сўз, амал ва ният.

* * *

Қўрқув қалб ожизлигининг мевасидир.

* * *

Инсонга инсондан яхшироқ наф етказувчи йўқ.

* * *

Тинглаш ва сукут сақлаш сени доноликка етаклайди. Сукут — доноликнинг бошланиши.

* * *

Билмаган нарсани билмайман, деб жавоб беришдан уялманг.

* * *

Ўзини билимдон санайдиган нодондан қоч.

* * *

Фикрламоқ бир ойнадир, сенга яхши ва ёмон амалларингни кўрсатади.

* * *

Ҳузур-ҳаловат бағишловчи ишни бажариш — олижаноб фазилат.

* * *

Бахт — яхши кайфият, фаровонлик, уйғунлик, мутаносиблик ва вазминликдир.

Munosabat

Нотариуснинг юксак масъулияти

Қонунийликни мустаҳкамлаш, шахс ҳуқуқи ва манфаатларини ишончли ҳимоя қилишга қаратилган суд-ҳуқуқ тизимини изчил демократлаштириш ва либераллаштириш мамлакатимизни демократик янгилашнинг бугунги босқичидаги энг муҳим вазифалардан биридир.

Давлатимиз раҳбарининг 2010 йил 5 майда қабул қилинган **«Ўзбекистон Республикасида нотариат институтини янада такомиллаштириш чоралари тўғрисида»**ги Фармони асосида мазкур тизимнинг тубдан такомиллаштирилгани ва соҳага оид қонунчилик янада мустаҳкамлангани айни шу мақсадга хизмат қилаётир.

— Жисмоний ва юридик шахсларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини қонунларда назарда тутилган нотариал ҳаракатларни амалга ошириш йўли билан ҳимоя қилишни таъминлаш нотариуслар зиммасига алоҳида масъулият юклайди, — **дейди Адлия вазирлиги Нотариат, фуқаролик ҳолати далолатномаларини ёзиш ва адвокатура бошқармаси бошлиғи Дилбаҳор ЁҚУБОВА.** — Мамлакатимиз раҳбарининг алоҳида эътибори туфайли бугунги кунда нотариат институтининг замон талаби даражасида фаолият юритиши таъминлангани айни шу мақсаднинг самарали ва тўлақонли адо этилишига замин яратди.

Энг аввало, Президентимизнинг фармони ва унинг ижроси юзасидан 2010 йил 2 июнда Вазирлар Маҳкамаси томонидан қабул қилинган 104-сонли қарор билан нотариат институтининг инфратузилмаси шакллантирилди. Жумладан, давлат нотариал идораларидаги шарт-шароит яхшиланди. Барча давлат нотариал идораларининг моддий-техника базаси қайта кўриб чиқилди. Нотариал ҳаракатлар махфийлигини таъминлаш мақсадида ҳар бир нотариус учун алоҳида хоналар ажратилди. Уларнинг фуқароларга малакали ҳуқуқий ёрдам кўрсатиши учун зарур қулайликлар яратилди. Замонавий мебель жиҳозлари ва техника воситалари билан таъминланди.

Шу билан бирга, фуқароларга қулайлик яратиш мақсадида расмийлаштирилаётган нотариал ҳаракатлар юзасидан ундириладиган тўловларни қабул қилиш учун бевосита давлат нотариал идоралари биноларида кассалар очиш чоралари кўрилмоқда ҳамда тўловларни банк пластик карточкалари орқали қабул қилиш учун ҳисоб-китоб терминали ва назорат-касса машиналари билан жиҳозлаш масалалари ҳам ҳал этилаётир.

Нотариал округлардаги эҳтиёж инобатга олиниб, қўшимча 220 та давлат нотариал идораси ташкил этилди ва 229 та нотариус лавозими жорий қилинди. Янги ташкил этилган давлат нотариал идораларидаги нотариус лавозимларига танловлар ўтказиш йўли билан чуқур билимли, масъулиятли шахслар танлаб олинмоқда. Бугунги кунда республикамиз бўйича 540 та давлат нотариал идорасида 700 нафардан ортиқ давлат нотариуслари фаолият юритмоқда.

Нотариат институтининг ҳуқуқий асослари такомиллаштирилаётгани туфайли қонунчилигимизда ҳам туб ўзгаришлар рўй берди. 2010 йил 15 сентябрда қабул қилинган **«Адлия органлари ва муассасалари фаолияти такомиллаштирилиши муносабати Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида»**ги қонун соҳа фаолиятида муҳим ўрин тутади.

Ушбу қонун билан Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексга, Фуқаролик, Фуқаролик процессуал, Оила,



Солиқ кодексларига ва бошқа бир қатор қонун ҳужжатларига ўзгартиш ҳамда қўшимчалар киритилди. Хусусан, **«Нотариат тўғрисида»**ги қонунга киритилган ўзгартиш ва қўшимчаларга биноан мамлакатимизда нотариал ҳаракатлар Ўзбекистон Республикаси номидан давлат нотариал идораларида ишлайдиган нотариуслар томонидан амалга оширилади. Шунингдек, нотариусларга қўйиладиган малака талаблари кучайтирилди, нотариуснинг малакасини ошириш тизими жорий этилди. Нотариал ҳаракатлар ва улар билан бевосита боғлиқ бўлган ҳуқуқий ҳамда техник характердаги ҳаракатлар амалга оширилишини назарда тутувчи нотариатнинг фаол моделини жорий қилиш мақсадида нотариусларнинг ҳуқуқлари кенгайтирилди.

Қонун асосида фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларининг нотариал ҳаракатларни бажариш борасидаги барча ваколатлари нотариусларга ўтказилди. Бирор-бир аҳоли пунктида нотариус бўлмаган ҳолларда эса нотариал ҳаракатларни амалга ошириш адлия органи томонидан бошқа нотариусларга юклатилади ёки нотариал идора очилади. Чунки нотариал ҳаракатлар махсус юридик билимга эга бўлишни тақозо этади.

Қонуннинг эътиборга молик яна бир томони шундаки, унда **«Нотариус қасамёди»** ўз аксини топди. Унга мувофиқ, малака имтиҳони ва танловлардан муваффақиятли ўтган мутахассислар **«Нотариус вазифасини ҳалол ва виждонан бажаришга, Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси ва қонунларига қатъий риоя этишга тантанали қасамёд қиламан»** деб ўз вазифасига киришади. Бундай аҳд, азму қарорни қабул қилган инсон унга содиқ қолишга интилиши шубҳасиз. Бу эса соҳада қонунийлик мустаҳкамланишига замин яратади.

Қонунда шу каби муҳим жиҳатлар қамраб олиниши билан бир қаторда нотариус манфаатига қаратилган меъёрлар акс эттирилгани улар фаолияти самарадорлигини таъминламоқда. Жумладан, нотариусга нотариал ҳаракатларни бажариш учун зарур бўлган маълумот ва ҳужжатларни тақдим этмаганлик, худди шунингдек, нотариус томонидан касб мажбуриятлари бажарилиши учун бошқа тўсқинлик қилганлик учун маъмурий жавобгарлик белгиланди.

Вазирлар Маҳкамасининг 2010 йил 28 декабрда қабул қилинган **«Нотариус томонидан ўз касб мажбуриятлари бузилиши оқибатида етказилган зарарни қоплаш тартиби тўғрисидаги Низомни тасдиқлаш ҳақида»**ги қарори соҳа вакиллари масъулиятини янада оширди. Ушбу Низом **«Нотариат тўғрисида»**ги қонуннинг 19-моддасига мувофиқ, нотариус томонидан ўз касб мажбуриятлари бузилиши оқибатида юридик ва жисмоний шахсларга етказилган зарарнинг давлат томонидан қопланиши тартибини белгилайди. Кўриниб турибдики, бу меъёр фуқаролар ҳамда корхона ва ташкилотларнинг манфаатини тўлиқ муҳофаза этишни таъминлайди.

Юридик ва жисмоний шахсларга етказилган зарар Судлар ва адлия органларини ривожлантириш жамғармаси маблағлари ҳисобидан қопланади. Нотариус томонидан қўпол хато ва камчиликларга йўл қўйилгани аниқланган ҳолларда давлат зарарни қоплашни талаб қилиши мумкин. Бу эса, соҳа ходимлари масъулиятини оширишга хизмат қилади. Чунки етказилган зарар хатога йўл қўйган нотариус ҳисобидан ундирилиши тартиби ҳам Низомда акс этган.

Меҳнат кодексининг 207-моддасига мувофиқ, нотариусдан ўртача ойлик иш ҳақидан ортиқ бўлмаган етказилган зарар суммасини ундириш адлия бошқармаси раҳбарининг етказилган зарарни нотариусдан ундириш тўғрисидаги буйруғига биноан амалга оширилади. Буйруқ адлия бошқармаси томонидан юридик ва жисмоний шахсга зарар қопланган кундан бошлаб бир ойдан кечикмай қабул қилиниши керак. Нотариус билан меҳнат шартномасининг тугатилиши уни зарар ва тегишли харажатларни қоплаш мажбуриятидан озод қилмайди.

Буларнинг барчаси мамлакатимизда инсон ҳуқуқ ва манфаатлари муҳофазасини янада кучайтиришга, бу борада масъул бўлган идоралар, уларда хизмат қилаётган ходимларнинг масъулиятини оширишга хизмат қилади.

Н. АБДУРАИМОВА

Ajoyibot

Сирли дунё

ЎРМОНДА ЎСГАН БОЛАЛАР

Турли халқларнинг эртак, афсоналарида ҳайвонлар томонидан боқилган болалар ҳақида ҳикоя қилинади. Мисол учун Апполоннинг ўғли Милет ҳақидаги ривоятни эслашимиз мумкин. Илгари Риммнинг асосчилари Ромул ва Рем бўрининг сути билан боқилганига ишонишган. Аммо XIX асрга келиб олимлар бунақа чўпчакларга истеҳзо билан қарайдиган бўлди. Ғаройиблиги шундаки, бунақа ривоятлар ақл бовар қилмайди, дея ҳар қанча инкор қилинмасин, ҳайвонларнинг болаларни боққанлиги ҳақидаги хабарлар оқими тўхтамайди. Шундай хабарлардан айримларини тасдиқловчи гувоҳлар ҳам топилади. Ниҳоят, 1920 йили бўри томонидан боқилган бола топилади.

Тўғриси, болани қоплонлар, антилопалар, эчкилар, сигирлар ва қўйларга қараганда бўриларнинг боққанлиги ҳақидаги хабарлар кўпроқ учрайди. Бундай маълумотларда болакайлар бўрининг одат ва қилиқларини ўзлаштириб олгани айтилади.

Ҳамма нарсани бир тизимга солишга ишқибоз бўлган машҳур олим К.Линней ўзининг «Табиат тизими» (1758) китобида ёввойи одамни «хомо сапиенс ферус», яъни одамсимон махлуқ деб атайди. Уни «тўрт оёқли, гўл ва жундор бир махлуқ» сифатида тасвирларкан, тарихдан тўққизта мисол келтиради, жумладан, қуйидаги тафсилотни ҳам қайд этади.

Иккита болани овчилар Литва ўрмонларида айиқ уясида учратади. Улардан бирини қўлга тушиradилар. Тўққиз ёшли дўмбоқ болакай соғлом ва чиройли эди. Уни шаҳарга олиб кетадилар. Кўп ўтмай у Варшавадаги қирол ойласининг севимли овунчоғига айланади. Аммо қанча уринишмасин, уни гапиришга, айиқсимон одатлардан воз кечишга ўргатолмайдилар. Бола бир неча марта ўрмонга қочиб кетади. Бир куни одамлар унинг ёввойи айиқ билан астойдил ачомлашиб турганини кўриб қолишади. Бу айиқ овчиларнинг иккита шеригини ўлдирганди. Чамаси, ўша йиллари Литвада айиқлар гўшасига тушиб қолган болалар тез-тез учраб турарди.

«Америкэн уикли» ҳафталигининг 1937 йил, 5 сентябрь сонида Жорж Маранцнинг «Гўдаклигида айиқ ўғирлаб, тарбиялаган қизалоқ» сарлавҳали мақоласи босилади. Муаллиф Туркиядаги руҳий касалликлар шифохонасида айиқ уясида саккиз йил яшаган қизалоқни бориб кўрганини ёзади. Унинг ҳикоя қилишича, овчилардан бири тоғда она айиқни отиб ўлдиради. Шундан кейин айиқнинг «боласи» унга ташланиб қолади. Овчи мундоқ қараса, у айиқнинг қилиқларни ўзлаштириб олган ва ҳайвонга ўхшаб пишқирадиган қизалоқ экан. Маранц қизалоқни кўрганда у қўлга тушиrилганда қандай бўлса, шундай ҳолатда эди. Шифокорлар уни бўтқа ейишга зўрға мажбур қилишар экан.

1767 йили Қуйи Венгриялик овчилар катта айиқни таъқиб қилиб бораётиб қорда одам изини кўриб қолишади. Уларнинг фикрича, бу ерларда одам изи бўлмаслиги лозим эди. Хуллас, из уларни айиқ инига бошлаб келади. Бу ерда улар ўн саккиз ёшли бир соҳибжамолни учратишади. Қизга яхши жойдан бошпана беришганда у хом гўшт, дарахтнинг пўстлоғи ва томиридан бошқа емишга қараб ҳам қўймайди. Худди ана шундай «айиқ-қиз» 1897 йили Ҳиндистонда ҳам топилади. Ўн еттинчи асрда эса Данияда «айиқ-бола»ни қўлга тушиradилар.

Ўн тўққизинчи аср бошларида топилган бўри болалари асосан Ҳиндистонда, Бенгалия чангалзорларида учрайди. Бундай болаларни топиб, уларга ҳомийлик ва раҳнамолик қилган руҳоний Сингх «Бўри болалари ва ёввойи одам» деган китобида кўрганкечирганлари ҳақида батафсил ҳикоя қилади.

«Ёввойи бола» ҳақидаги сўнгги маълумот — етти ёшли «маймунсимон бола» тўғрисида. У Марказий Африкадаги Бурундида 1973 йили топилган, рангли сурати Лондондаги «Обсервер» газетасида 1976 йили чоп этилган.

Нисбатан яқин ўтмишда содир бўлган қуйидаги икки воқеа янада қизиқарлидир. «Санди таймс» газетаси шу воқеалардан бири ҳақида ёзади: «сурия-лик бола маҳаллий шаҳзода ов қилиб юрганида топилади. Айтишларича, у кийик билан бирга соатига эллик мил масофани босиб ўтиши мумкин экан. Кўзлари жуда ўткир, эшитиш қобилияти аъло эди».

Иккинчи воқеа ҳақида Лондондаги «Дейли Миррор» газетаси 1971 йил 1 февралдаги сонида хабар беради. Антрополог Жан Клод Армен бу ҳақда Женевадаги ёввойи ҳайвонларни асраш институтида маълумот берган: «Мен унинг кийикка яқинлашиб, меҳр ила пешонасини ялаганини кўрдим». Арменнинг қаламига мансуб бўлган китоб шундай аталади: «Кийик бола».

(Давоми бор)

Шодмон ОТАБЕК тайёрлади.

Maslahat

Муаллифлик шартномаси

у қандай тузилади?

2006 йил 21 июлда қабул қилинган **«Муаллифлик ҳуқуқи ва турдош ҳуқуқлар тўғрисида»**ги қонуннинг 39-моддасига мувофиқ муаллифлик шартномаси тузилаётганда қуйидаги шартлар назарда тутилиши керак:

— асардан фойдаланиш усуллари (мазкур шартнома асосида ўтказиладиган конкрет ҳуқуқлар);

— асардан фойдаланишнинг ҳар бир усули учун тўланадиган ҳақ миқдори ва (ёки) тўланадиган ҳақ миқдорини белгилаш тартиби, уни тўлаш тартиби ҳамда муддатлари.

Шу билан бирга муаллифлик шартномаси тарафлари зарур деб топган бошқа шартлар ҳам эътиборга олиниши мумкин.

Муаллифлик шартномасида асардан фойдаланиш ҳуқуқи қанча муддатга ўтказилиши тўғрисида шарт бўлмаган тақдирда, шартнома тузилган санадан бошлаб беш йил ўтгандан кейин, агар фойдаланувчи шартнома бекор қилингунга қадар камида олти ой олдин бу ҳақда ёзма равишда огоҳлантирилган бўлса, шартнома муаллиф томонидан бекор қилиниши мумкин.

Муаллифлик шартномасида асардан фойдаланиш ҳуқуқи амал қиладиган ҳудуд доираси тўғрисида шарт бўлмаган тақдирда, шартномага биноан бошқа шахсга ўтказилаётган ҳуқуқнинг амал қилиши Ўзбекистон Республикаси ҳудуди билан чекланади.

Шартнома тузилган пайтда асардан фойдаланиш ҳақида ҳали маълум бўлмаган ҳуқуқлар муаллифлик шартномаси мавзуси бўлиши мумкин эмас.

Тўланадиган ҳақ муаллифлик шартномасида асардан фойдаланишнинг тегишли усули учун олинадиган даромаддан фоиз тарзида белгиланади ёки агар буни асарнинг хусусияти ёки ундан фойдаланишнинг ўзига хос жиҳатлари билан боғлиқ ҳолда амалга ошириш мумкин бўлмаса, шартномада қайд этилган сумма тарзида муаллифлик ҳақининг энг кам миқдорлари Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланади.

Агар асарни нашр этиш ёки ундан бошқача тарзда фойдаланиш ҳақидаги муаллифлик шартномасида ҳақ тўлаш қатъий сумма тарзида фойдаланиш ҳақидаги муаллифлик шартномасида асарнинг энг кўп адади белгилаб қўйилиши шарт.

Муаллифлик шартномаси бўйича ўтказилган ҳуқуқлар бундай шартномада бевосита назарда тутилган тақдирдагина бошқа шахсларга тўлиқ ёки қисман ўтказилиши мумкин.

Муаллифнинг келгусида мазкур мавзуда ёки мазкур соҳада асарлар яратишини чеклайдиган муаллифлик шартномаси шарти ўз-ўзидан ҳақиқий эмас.

Одилжон АЗИМОВ,
юридик фанлари номзоди

Jinoyat va jazo

Нафс тузоғи

(Давоми. Бошланиши учинчи бетда)

Юқорида номлари таъкидланган кимсалар ўзаро жиноий тил бириктириб, фуқароларга моддий ёрдам ва пенсия пулларини тарқатиш учун банкдан олган 6 миллион 500 минг сўмнинг атиги 1 миллион 700 минг сўмигина шахобча хазиначиси О. Бойқобилов томонидан тарқатилади, холос.

Банкдан «Кичкинтой» омонати ҳисобидан ноқонуний олинган 4 миллион 800 минг сўмни эса, гарчанд, «Паканди» қишлоғи ҳудудида истиқомат қилаётган моддий ёрдам ва нафақа олувчиларга тарқатиш зарур бўлса-да, хазиначи О.Бойқобилов ҳамда назоратчи-ҳисобчи К.Худойбердиев шахсий манфаатларини ўйлашиб, бу ишни хаёлларидан «фаромуш» қилишади. Шу тариқа катта миқдордаги давлат сармояси ўз эгаларига етмасдан «ҳамтовоқ»лар ўртасида талон-торож қилинади...

Банкнинг 028-сонли шохобчасида бири хазиначи, иккинчиси эса назоратчи- ҳисобчи лавозимида ишлаб келган Қўзибой Қалқонов ҳамда Абдукамол Бобоқуловнинг кирдикорлари ҳам юқоридагиларникидан асло қолишмайди. Аслида бутун бошли «занжир» ҳосил қилган тўртала жиноятчининг ғаразли муддаоси бир эди. Инчунун, Қ.Қалқонов ва А.Бобоқулов ҳам бир неча йил давомида ўзгалар ҳақига хиёнат қилиб келишди.

Кейинчалик суриштирув ва тергов давомида аниқланишича, улар кўп ҳолатларда талабномаларга асосан чиқим ордерлари билан банкдан 62 миллион 709 минг 710 сўмни олиб, тарқатмасдан, ўз шахсий эҳтиёжлари учун ишлатиб юборишади. Устига-устак ўз жиноий қилмишларини хаспўшлаш мақсадида мансаб ваколатларидан қасддан фойдаланиб, сохта қайдномалар тузишади ва уларга олинган нақд пулларнинг тарқатилганлиги ҳақида қалбаки маълумот ва ёзув киритиб, банкка тақдим этиб келишади.

Кўзбўямачиликнинг роса ҳадисини олган ҳамтовоқлар ўз қилмишлари томонидан талон-торож қилинганлиги маълум бўлди.

Шундан сўнг бу текширув натижалари ҳужжатлаштирилиб, ҳуқуқ-тартибот идораларига тақдим этилди.

Буни қарангки, суд жараёнида ҳам жиноятчи гуруҳлар ўз айбларини яширишга, сувдан қуруқ чиқиб кетишга зўр бериб уринишди. Бироқ далиллар асосида ўзганинг ҳақини «туя» қилиб юрган гумроҳларнинг асл қиёфаси фош этилди.

Суд жиноятчилар Қўзибой Қалқонов, Абдукамол Бобоқулов, Камол Худойберганов ҳамда Очил Бойқобуловга нисбатан қилмишларига яраша жазо тайинлаш билан бирга, К.Худойберганов ва Очил Бойқобулов томонидан етказилган 4 миллион 800 минг сўм моддий зарар тўлиқ қопланганлигини, шунингдек, Қўзибой Қалқонов ҳамда Абдукамол Бобоқулов томонидан ўзлаштирилган маблағнинг 30 миллион 289 минг 300 сўми қайтарилганлигини эътироф этиб, қолган 23 миллион 620 минг 410 сўм давлат маблағини ҳар иккаласи ҳисобидан «Халқ банки» Чироқчи тумани бўлими фойдасига солидар тартибда ундириш ҳақида ҳукм чиқарди.

Касбга садоқат, ишонч ва ҳалоллик инсон умрини безайди. Бу олижаноб туйғулар кишини тобора юксакликка ундайди. Аммо юқорида номлари зикр этилган кимсалар ана шундай инсоний фазилатларни четлаб ўтиб, нопок йўлни танлашди. Охир-оқибатда эса эл-юрт олдида исноднга қолиб, юзшувит бўлишди.

Фозил ЮСУПОВ,
жиноят ишлари бўйича Чироқчи тумани судининг раиси
Абдунаби БОБОЁРОВ,
«Куч – адолатда» мухбири

Куч—адолатда

МУАССИС:
Ўзбекистон Республикаси Олий суди

Бош муҳаррир:
Шодиқул ҲАМРОЕВ

Газета 2007 йил 23 февралда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0224-рақам билан рўйхатдан ўтган.

ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ

Бўритош МУСТАФОЕВ
Олимжон ИСМАИЛОВ
Шерали РАҲМОНОВ
Мавжуда РАЖАБОВА
Нуриддинжон ИСМОИЛОВ
Зарифжон МИРЗАҚУЛОВ
Муҳаммад АЛИ
Омонбой ОҚЮЛОВ
Холмўмин ЁДГОРОВ
Дилбар СУЮНОВА
Масардин ҲАСАНОВ
Юлчибой ТУРСУНБОЕВ
Шоюнус ҒОЗИЕВ
Баҳриддин НАИМОВ

Навбатчи муҳаррир
Отабек САФАРОВ

Саҳифаловчи
Шерзод ХАЙРУЛЛАЕВ

Газета «Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида офсет усулида босилди. Манзили: Тошкент шаҳри, Буюк Турон кўчаси, 41.

Манзилимиз: Тошкент шаҳри, А.Қодирий кўчаси, 1.
E-m@il: kuch-adolatda@mail.ru
Тел.: 239-02-54, 239-02-55

Буюртма: Г-318. Қоғоз бичими: А-2. Сотувда эркин нархда. Адади: 8656.
1 2 3 5 Топширилди: 20[30]